

Атир сепилган кийим билан намоз ўқиса бўладими?

16:04 / 24.04.2016 3683

Ҳозир ҳар хил хушбўй атирлар (духилар), айниқса франсузчаси кўпайиб кетди. Улар таркибида оз миқдорда спирт қўшилган бўлади, дейишади. Биз, яъни намоз ўқийдиганлар улардан кийимларимизга сепиб намоз ўқисак бўладими?

ЖАВОБ: Тиббий маънода ва тиббий ниятда тайёрлаб қўйилган спиртларни ҳиди хушбўй атирлар тайёрлаш учун ишлатилса бўлади. Чунки уларга қўшиладиган баъзи моддалар фақат ўша спирт билангина эриши мумкин. Шу боис, ҳозирги атирлар сепилган кийим билан намоз ўқишга уламолар рухсат беришган (Аллоҳ билувчидир).